**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ**

# ҚАРОРИ

**ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ МИНИСТРЛЕР КЕҢЕСИНИҢ**

# ҚАРАРЫ

**Нукус шаҳри** — **Нөкис қаласы**

№ 215 «30» март 2018 й.ж

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 мартдаги «Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати фаолиятининг самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3626-сонли қарори ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 мартдаги «Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати фаолиятининг самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3626-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 мартдаги «Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати фаолиятининг самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3626-сонли қарори ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқоридаги қарори билан қуйидагилар:

а) Ўсимликлар карантини соҳасидаги халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи идоралараро ишчи гурух тузилсин ва унинг таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги.

Қуйидагилар:

ўсимликлар карантини соҳасидаги ишлар ҳолатини комплекс ўрганиш;

Ўзбекистон Республикасининг ўсимликлар карантини соҳасидаги халқаро шартномаларга, шу жумладан Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича халқаро Конвенцияга (Рим, 1951 йил) қўшилиши бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини ўсимликлар карантини соҳасидаги барча халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлаш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

хорижий давлатлар карантин хизматлари билан (Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси, Беларусь Республикаси, Арманистон Республикаси, Таиланд Қироллиги, Япония, Малайзия, Сингапур Республикаси, Туркия Республикаси, Германия Федератив Республикаси, Латвия Республикаси, Бангладеш, Ҳиндистон Республикаси, Афғонистон Ислом Республикаси ва бошқалар) ўсимликлар карантини соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича битимларни тузиш масаласини ишлаб чиқиш, шу жумладан бундай битимлар лойиҳаларини тайёрлаш идоралараро ишчи гуруҳнинг асосий вазифалари этиб белгиланганлиги;

б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси (кейинги ўринларда - Инспекция) тузилмасида қуйидагилар:

Халқаро алоқалар, инвестициялар ва инновацион ривожланиш бошқармаси;

Ўсимликлар карантини хизмати бўйича фитосанитар хавфни прогнозлаштириш ва таҳлил қилиш бошқармаси;

ички ва ташқи ўсимликлар карантини бўлими негизида Ички ва ташқи ўсимликлар карантини бошқармаси;

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича йиғма ахборот-таҳлил бошқармаси;

Ахборот-коммуникация технологиялари бўлими ташкил этилганлиги;

в) Инспекция ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Инспекциянинг Ўсимликлар карантини тизимини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда - Жамғарма) маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган Инспекцияга қўшимча 176 штат бирлигини, шу жумладан 121 - ўсимликлар карантини бўйича туман ва шаҳар инспекторларини, 55 - автомобиль йўллари, темир йўл станциялари, аэропортлар, дарё портидаги ўсимликлар карантини бўйича чегара пунктлари ҳамда почтамтдаги пункт инспекторларини ажратиш тўғрисидаги таклифлари маъқулланганлиги;

г) Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг ташкилий тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг бошқарув ходимлари чекланган сони 38 нафардан иборат бўлган, шундан қўшимча жорий этилаётган 18 нафари 2018 йилда Жамғарма маблағлари ҳисобидан, 2019 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган марказий аппарати тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

ўсимликлар карантини ҳудудий инспекцияларининг намунавий тузилмаси ва ходимларнинг чекланган сони, шунингдек, автомобиль йўлларидаги, темир йўл станциялари, аэропортлар, дарё портидаги ўсимликлар карантини бўйича чегара пунктлари ҳамда почтамтдаги пункт руйхати 4-6-иловаларга мувофиқ тасдиқланганлиги;

д) Инспекция бошлиғига қуйидаги:

зарур ҳолларда, Инспекциянинг марказий аппарати, ўсимликлар карантини ҳудудий инспекциялари ва унинг таркибига кирувчи бошқа ташкилотлар тузилмасига ходимларнинг белгиланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш;

Жамғарма маблағлари ҳисобидан Инспекция ходимларининг қўшимча штат бирликларини жорий этиш ҳуқуқи берилганлиги;

е) Қуйидагилар

Инспекция бошлиғи ва ўсимликлар карантини ҳудудий инспекциялари бошлиқлари лавозимига кўра тегишлича Ўсимликлар карантини бўйича Ўзбекистон Республикаси бош давлат инспектори ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ўсимликлар карантини бўйича бош давлат инспекторлари ҳисобланиши;

ўсимликлар карантини бўйича туман ва шаҳар инспекторлари, автомобиль йўллари, темир йўл станциялари, аэропортлар, дарё портидаги ўсимликлар карантини бўйича чегара пунктлари ҳамда почтамтдаги пункт инспекторлари хизмат мажбуриятларини бажаришда махсус формали кийим-бош ва тегишли фарқловчи белгиларини кийиб юришлари;

инспекторларни формали кийим-бош ва тегишли фарқловчи белгилар билан таъминлаш билан боғлиқ харажатлар Жамғарма маблағлари ҳисобидан қопланиши белгилаб қўйилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига икки ой муддатда формали кийим-бош ва тегишли фарқловчи белгиларнинг намуналарини тасдиқлаш топширилганлиги;

ж) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўсимликларнинг агротехник, биологик ва кимёвий ишловини амалга ошириш учун давлат-хусусий шериклик шартлари асосида камида 2 тадан ўсимликлар клиникаси ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига Инспекция, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ўсимликлар клиникаси фаолиятини йўлга қўйиш бўйича барча зарур ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни кўриш топширилганлиги;



з) 2018-2020 йилларда Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари дастури (кейинги ўринларда - Чора-тадбирлар дастури) 7-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

Чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирларни молиялаш-тириш манбалари этиб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Жамғарма маблағлари белгиланганлиги;

Инспекция, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, тегишли вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари зиммасига Чора-тадбирлар дастурида белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил қилиш юзасидан шахсий жавобгарлик юкланганлиги;

и) Инспекцияга Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 декабрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда карантин лабораторияларининг ташкил қилинишини ҳамда уларнинг карантин тадбирларини амалга ошириш учун керакли бўлган барча зарур бўлган лаборатория ускуналари ва техник воситалар билан жиҳозланишини таъминлаш топширилганлиги;

й) 2018 йилнинг 1 апрелидан Инспекция ва ўсимликлар карантини ҳудудий инспекциялари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларидан келиб тушадиган давлат божи ва йиғими кўринишидаги тушумлар Жамғармага 80 фоиз миқдорида, шу жумладан Инспекция ходимларининг моддий рағбатлантирилишига - Жамғармага келиб тушадиган маблағларнинг 10 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдори йўналтирилиши белгилаб қўйилганлиги;

2017 йилнинг 1 декабридан 2018 йилнинг 1 апрелигача бюджетга ўтказилиши лозим бўлган давлат божи ва йиғими кўринишидаги тушумлар Инспекция томонидан 2018 йилнинг оҳирига қадар қопланиши белгиланганлиги;

к) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Чора-тадбирлар дастурида кўрсатилган тадбирларни молиялаштириш учун Инспекциянинг асослан-тирилган буюртмаси асосида Инспекцияга Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳисобидан максадли йуналтириладиган 15 миллиард сўмдан кўп бўлмаган миқдорда маблағлар ажратилишини таъминлаш топширилганлиги;

л) Қуйидагилар:

ўсимликлар клиникаси 2018 йилнинг 1 июлидан 2022 йилнинг 1 январига қадар ер солиғи, юридик шахсларнинг даромад ва мол-мулк солиғидан ҳамда ягона солиқ тўловларини тўлашдан;

2020 йилнинг 1 январига қадар белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатларга кўра ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати фаолиятини такомиллаштириш ҳамда мамлакатда карантин ҳолатни яхшилаш учун Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган республикада ишлаб чиқарилмайдиган ёки етарли ҳажмда ишлаб чиқарилмайдиган бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, ускуналар, асбоб ва приборлар, машина ва механизмлар, компьютер ва диагностика техникаси божхона тўловларини тўлашдан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод қилинганлиги;

м) 2018 йил 1 майдан ўсимликлар карантини бўйича туман ва шаҳар инспекторлари, автомобиль йўллари, темир йўл станциялари, аэропортлар, дарё портидаги ўсимликлар карантини бўйича чегара пунктлари ҳамда почтамтдаги пункт инспекторларига, қонун ҳужжатларида белгиланган устама ва қўшимча тўловлардан ташқари, Жамғарма маблағлари ҳисобидан ҳар чорак якуни бўйича меҳнат фаолиятида юқори натижаларга эришганлиги учун Инспекция бошлиғи томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган фаолиятни баҳолашнинг рейтинг тизимига мувофиқ белгиланадиган, қуйидаги миқдорлардаги;

70 баллдан 80 баллгача тўплаган инспекторларга - лавозим маошига 50 фоизгача;

80 баллдан 90 баллгача тўплаган инспекторларга - лавозим маошига 100 фоизгача;

90 баллдан 100 баллгача тўплаган инспекторларга - лавозим маошига 150 фоизгача рағбатлантирувчи тўловлар берилиши;

н) Инспекция, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Молия вазирлигининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига;

2018-2019 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат аграр университетида, унинг Нукус ва Термез шаҳарларидаги филиалларида, Андижон қишлоқ хўжалиги институтида Жамғарма маблағлари ҳисобидан ҳар уч ойда камида бир маротаба ўтказиладиган Инспекция ходимларини, биринчи навбатда туман ва шаҳар инспекторлари, автомобиль йўллари, темир йўл станциялари, аэропортлар, дарё портидаги ўсимликлар карантини бўйича чегара пунктлари ҳамда почтамтдаги инспекторларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларини ташкил этиш топширилганлиги;



Тошкент давлат аграр университети ўсимликлар карантини ва ҳимояси кафедрасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинганлиги;

о) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3249-сон қарорининг 1 ва 2-бандлари ҳамда унинг 1, 2, 3, 3а, 3б ва 4-иловалари ўз кучини йўқотган деб ҳисобланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қуйидагилар:

Ўсимликлар карантини соҳасидаги халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи идоралараро ишчи гуруҳ тузилсин ва унинг таркиби 1-иловага мувофиқ;

Ўсимликлар карантини инспекцияларининг намунавий тузилмаси ва ходимларнинг чекланган сони рўйхати 2-3-иловаларга мувофиқ;

2018-2020 йилларда Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари дастури 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси бўйича ўсимликларнинг агротехник, биологик ва кимёвий ишловини амалга ошириш учун давлат-хусусий шериклик шартлари асосида камида 2 та ўсимликлар клиникаси ташкил этилсин;

Қорақалпоғистон Республикаси ўсимликлар карантини ҳудудий инспекцияси, Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **20 кун муддатда** ўсимликлар клиникаси фаолиятини йўлга қўйиш бўйича барча зарур ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни кўрсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси ўсимликлар карантини ҳудудий инспекцияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, тегишли вазирликлар ва идоралар, Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимликлари раҳбарлари зиммасига Чора-тадбирлар дастурида белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил қилиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

6. Молия вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 декабрга қадар Ўсимликлар карантини инспекциясида карантин лабораторияларининг ташкил қилинишини ҳамда уларнинг карантин тадбирларини амалга ошириш учун керакли бўлган барча зарур лаборатория ускуналари ва техник воситалар билан жиҳозланишини таъминласин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси ўсимликлар карантини ҳудудий инспекцияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва Молия вазирлиги, Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимликлари;

2018-2019 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат аграр университети Нукус филиалларида Жамғарма маблағлари ҳисобидан ҳар уч ойда камида бир маротаба ўтказиладиган Қорақалпоғистон Республикаси ўсимликлар карантини ҳудудий инспекцияси ходимларини, биринчи навбатда туман ва шаҳар инспекторлари, автомобиль йўллари, темир йўл станциялари, аэропортлар ҳамда почтамтдаги инспекторларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари ташкил этилсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2017 йил 2 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги ПҚ-3249-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ҳақида»ги 617-сонли қарорининг 3-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси ўсимликлар карантини ҳудудий инспекцияси, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда белгиланган муддатда ўсимликлар карантини соҳасидаги қонун ҳужжатларининг бузилишига нисбатан маъмурий жавобгарликни янада кучайтириш ҳамда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига таклифларини тақдим қилсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Қорақалпоғистон Республикаси**
**Вазирлар Кенгашининг Раиси** **Қ.Сариев**

UMUMIY BO'LIM
ULIWMA BO'LIM

**Приложение №1**
**к постановлению Совета Министров**
**Республики Каракалпакстан**
**от «30» марта 2018 г. № 216**

**Состав**
**постоянно действующей Межведомственной рабочей группы по имплементации международных стандартов в области карантина растений законодательство**

1. Сапарниязов А. - и.о председателя Государственной инспекции по карантину растений Республики Каракалпакстан, **руководитель рабочей группы**
2. Худайбергенов К. - первый заместитель министра здравоохранения Республики Каракалпакстан
3. Жоллыбеков В. - представитель министрства внешней торговли Республики Узбекистан по Республике Каракалпакстан
4. Аминов А. - заместитель министра сельского и водного хозяйства Республики Каракалпакстан
5. Аметов М. - начальник отдела Комитета Республики Каракалпакстан по экологии и охране окружающей среды
6. Курбаниязов Б. - заместитель председателя Комитета Республики Каракалпакстан по ветеринарии
7. Исмаилов У. - начальник Управления Республики Каракалпакстан по стандартизации и метрологии

*Примечания:*

при переходе членов рабочей группы на другую работу в ее состав включаются лица, вновь назначенные на эти должности или на которых возложено выполнение соответствующих обязанностей;

рабочая группа, при необходимости, вправе привлекать представителей других ответственных министерств и ведомств.

**Приложение №2**
**к постановлению Совета Министров**
**Республики Каракалпакстан**
**от «30» марта 2018 г. № 285**

## ТИПОВАЯ СТРУКТУРА
## Государственний инспекции по карантину растений Республики Каракалпакстан




*) финансируются за счет средств Фонда развития системы карантина растений Государственной инспекции по карантину растений Республики Каракалпакстан.

Численность персонала – 45 единиц, в том числе управленческого персонала – 9 единиц.

Общая численность персонала – 45 единиц, в том числе управленческого персонала – 20 единиц.

**Приложение №3**
**к постановлению Совета Министров**
**Республики Каракалпакстан**
**от «30» марта 2018 г. № 285**

## Предельная численность
## работников Государственний инспекция по карантину растений
## Республики Каракалпакстан

| № | Районы и город Нукус | всего | из них | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | Управленческий персонал | Инспекторы по карантину растений районов и городов | Инспекторы пограничных пунктов по карантину растений |
| 1 | Амударьинский | 1 | | 1 | |
| 2 | Берунийский | 1 | | 1 | |
| 3 | Канлыкульский | 1 | | 1 | |
| 4 | Караузякский | 1 | | 1 | |
| 5 | Кунградский | 10 | | 2 | 8 |
| 6 | Кегейлийский | 1 | | 1 | |
| 7 | Нукусский | 1 | | 1 | |
| 8 | г.Нукус | 15 | 9 | 2 | 4 |
| 9 | Муйнакский | 1 | | 1 | |
| 10 | Тахтакупырский | 1 | | 1 | |
| 11 | Тахиаташский | | | | |
| 12 | Турткульский | 2 | | 2 | |
| 13 | Шуманайский | 1 | | 1 | |
| 14 | Ходжейлийский | 6 | | 2 | 4 |
| 15 | Чимбайский | 2 | | 2 | |
| 16 | Элликкалинский | 1 | | 1 | |
| | **Всего:** | **45** | **9** | **20** | **16** |

**Приложение №4**
**к постановлению Совета Министров**
**от «30» марта 2018 г. № 215**

**Программа мер**
**по совершенствованию деятельности Государственной инспекции по карантину растений Республики Каракалпакстан**
**на период 2018-2020 годы.**

| № | Наименование мероприятий | Срок исполнения | Ответственные исполнители | Вид документа, механизм реализации, ожидаемый результат |
|---|---|---|---|---|
| **I. Совершенствование фитосанитарного состояния Республики Каракалпакстан** | | | | |
| 1. | 3. Установление 55231 ед. феромонных ловушек на всей территории республики путем увеличения объемов их производства, а также проведение их испытаний в полевых и лобораторных условиях за счет средств Фонда развития системы карантина растений Узгоскарантина. | в 2018-2019 гг. | Хокимияты районов и города Нукуса, государственная инспекция по карантину растений | Организационные меры. Обеспечение своевременного проведения работ по обеззаражению экспортируемой сельскохозяйственной продукции. |
| **II. Укрепление материально-технической базы государственной карантийной службы Республики Каракалпакстан** | | | | |
| 2 | 6. Обеспечение территориальных инспекций по карантину растений соответствующими помещениями. | до 1 ноября 2018 года | Хокимияты районов и города Нукуса, Комитет по содействию приватизированным предприятиям и развития конкуренции, Государственная инспекция по карантину растений | Решения хокимиятов районов. Создание надлежащих условий для эффективного выполнения возложенных задач. |
| 3 | 12. Выделение помещений для инспекторов по карантину растений районов и городов на дехканских рынках городов и районов, а также размещение фумигационных камер объемом до 3 куб.м для обеззараживания (фумигации) зараженной продукции. | до 1 декабря 2018 года | Хокимияты районов и города Нукуса, Государственная инспекция по карантину растений | Решения хокимиятов районов и городов. Обеспечение предотвращения заражения и распространения вредных карантинных организмов в период хранения сельскохозяйственной и растительной продукции, а также обеспечение населения качественной и незараженной продукцией |

| № | Наименование мероприятий | Срок исполнения | Ответственные исполнители | Вид документа, механизм реализации, ожидаемый результат |
|---|---|---|---|---|
| 4 | 13. Поэтапное строительство специальных обеззараживающих (фумигационных) камер влизи основных пограничных пунктов пропуска продукции растительного происхождения, в том числе пунктов: "Даут-ата" в "Каракалпакстан" Республике Каракалпакстан. | в 2018-2019гг. | Хокимияты районов и города Нукуса, Министерство финансов, Министерство сельского и водного хозяйства, Таможенное управление, Государственная инспекция по карантину растений | Программа мер. Предотвращение распространения карантинно-вредных организмов, а также проведение обеззараживания импортируемой и экспортируемой растительной продукции. |
| 5 | 16. Строительство обеззара-живающих (фумигационных) камер на хлопковых терминалах, отгру-жанющих хлоповое волокно на экспорт. | до 1 октября 2019 года | ООО "Каракалпакский территориально-хлопковый терминал", Государственная инспекция по карантину растений, хокимияты районов и города Нукуса | Организационные меры. Обеспечение своевременного проведения работ по обеззараживанию экспортируемого хлопкового волокна и другой сельскохозяйственной продукции. |